

«Ўзстандарт» агентлиги Аккредитация Кенгашининг  
навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши  
Ола- сонли ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри  
17.05.2014 йил

1. Аккредитация ва инспекция назорати бошқармасининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. СМСИТИ (Н. Мўминов), АИНБ (А.Каримов), МТСТСваСТЖЭБ (Ш.Алимов), СДНМваАТЖЭБ (З.Ахмедов)ларга:

- икки ойлик муддатда МДХ доирасида қабул қилинган ГОСТ ISO/IEC 17020, ГОСТ ISO/IEC 17021, ГОСТ ISO/IEC 17024, ГОСТ ISO/IEC 17065 ва ГОСТ ISO 19011 халқаро стандартларнинг янги нашрларини-версияларини ўрганиб чиқиб, Республикамизда амалга тадбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсинлар.

3. СМСИТИ (Н.Мўминов), АИНБ (А.Каримов) ва МИБ (Ш.Ибрагимов)ларга:

- СМСИТИ қошидаги аккредитациядан ўтган персоналларни сертификатлаш идорасини ISO/IEC 17024:2012 стандарт талабларига мувофиқ 2014 йил 30 декабрига қадар халқаро даражада аккредитациядан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга оширсинлар;

- ISO/IEC 17024:2012 халқаро стандарти асосида персоналларни сертификатлаштириш идорасини халқаро даражада аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатларни молиялаштириш юзасидан, таклифлар киритилсин.

4. Мувофиқликни баҳолаш идоралари раҳбарларига:

- қонунчиликга киритилган ўзгаришлар ижро учун қабул қилинсин ва ички ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар зудлик билан киритилсин;

- мавжуд сифат тизими ҳужжатлари қабул қилинган стандартлар ва унга киритилган ўзгартиришларга асосан қайта кўриб чиқилсин ҳамда тадбиркорларга мувофиқликни баҳолаш процедуралари бўйича етарли маълумотлар берилсин;

- интернет сайтида жойлаштирилган маълумотларни доимий янгилаш ва онлайн тизимда тадбиркорларни саволларига жавоб бериш ҳамда мижозлардан мувофиқликни баҳолаш процедуралари ва идоранинг фаолиятига доир саволнома орқали маълумот олиниши ва раҳбарият томонидан ўтказиладиган таҳлилларда натижаларини кўриб чиқилиши таъминлансин;

- аксарият мувофиқликни баҳолаш идораларининг оммавий ахборот воситалари билан ишлашлари талаб даражада ўтказилмаганлиги қайд этилсин;

- «Стандарт» журналида долзарб мавзуларда мақолаларни чоп этиш ва фаолиятни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишлари давом эттирилсин;

- экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида аккредитация доираларини Республикада қабул қилинган мавжуд техник регламентларга ва имкон қадар Эркин божхона ҳудуди томонидан амалга киритилган техник регламентларга асосан кенгайтириш чоралари кўрилсин;

- корхоналарда жорий этилган Сифат тизими бошқарувига берилган сертификатларнинг ҳаққонийлиги таъминлансин, тизимни самарали ишлаши доимий назоратга олинсин ҳамда расмийлаштирилган сертификатлар тўғрисидаги маълумотлар (СМТ сертификатларини илова қилган холда) «Ўзстандарт» агентлигига киритиб борилсин;

- ИСО 9001 халқаро стандартининг 2015 йил янги таҳрири чиқиши муносабати билан, ушбу стандартга киритилган ўзгартиришлар ўрганилсин ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилсин;

- корхоналарда интеграллашган менежмент тизимларини жорий этиш чоралари кўрилсин;

- O'z DSt ISO 10019:2014 «Сифат тизимларини жорий этишда консультантларни танлаш ва уларнинг хизматларидан фойдаланиш» Давлат стандарти қабул қилиниши муносабати билан сифат тизими жорий этилаётган хуудлардаги корхона, ташкилот ва ишлаб чиқарувчиларга таништирилсин;

- мувофиқлик сертификатлари, синов баённомаларини халқаро даражада тан олиниси борасида «Ўзстандарт» агентлиги олиб бораётган техник сиёсат ва тадбирларда актив иштирок этилсин;

- санитария нормалари ва қоидалари, ветеринария нормалари ва қоидаларини халқаро қабул қилинган норма ва қоидалар билан уйғунлаштириш борасида конструктив таклифлар юқори раҳбариятга 1 ой муддатда тақдим этилсин;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 370-сонли Қарорига асосан Давлат Божхона қўмитаси томонидан жорий этилган «Товарларни божхона экспертизаси» автоматлаштирилган ахборот тизимига импорт маҳсулотларига расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни ўз вақтида ва ўрнатилган тартибда киритиб борилиши таъминлансин;

- Давлат божхона қўмитасининг «Товарларни божхона экспертизаси» автоматлаштирилган тизимига турли техник сабабларга кўра улана олмаган сертификатлаш идоралари зудлик билан тегишли тадбирларни кўрсин ва 5 кун муддатда «Ўзстандарт» агентлиги ва Божхона қўмитасига олиб борилган ишлар бўйича ахборот киритсин;

- мувофиқликни баҳолаш ва синовларни ташкил этиш ҳамда инспекция фаолиятини амалга ошириш борасида 2014 йил 6 ой ичида олиб борилган ишларини «Ўзстандарт» агентлиги раҳбариятига ҳисобот шаклида тақдим этишга тайёргарлик кўрилсин;

- мувофиқликни тасдиқлаш ишларини амалга оширувчи сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари аккредитация доираларини қабул қилинган техник регламентларга мувофиқ ўрнатилган тартибда кенгайтирилсин.

5. «Sanoatgeokontexnazorat» Давлат инспекцияси назорати остидаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси ва синов лабораториясига:

- автомобилларга ўрнатиладиган газ баллонлари ва ускуналарини сертификатлаштириш ва синовларини ўрнатилган тартибда ўтказиш тадбирлари кўрилсин;

- синов лабораторияси ва сертификатлаштириш идорасининг аккредитация доиралари 2014 йил 10 июлига қадар автомобилларга ўрнатиладиган газ баллонларини баҳолашга кенгайтирилсин.

6. МТСТСваСТБ (Ш.Алимов)га:

- «Товарларни божхона экспертизаси» дастурига сертификатлаштириш идораларини зудлик билан уланиши назоратга олинсин.

7. АИНБ (А.Каримов)га:

- сертификатлаш идоралари томонидан ярим йил ичида олиб борилган ишларни таҳлил қилиш ва уларни муаммоларини ҳал этиш мақсадида 2014 йил 20 июнга қадар ҳисоботларни эшитиш графиги ишлаб чиқилсин;

- мувофиқликни баҳолаш идоралари томонидан тақдим этилган ҳисоботлар умумлаштирилсин ҳамда раҳбариятга тегишли маълумот киритилсин;

- мувофиқликни баҳолаш идоралари билан узвий ишлаш ва уларни фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Савдо-саноат палатаси, истеъмолчиларни ҳуқуқларини химоя қилиш Федерацияси, маҳсулотларни

экспортга кўмаклашиш борасидаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтирсин;

- МТСТСваСТБ (Ш.Алимов), АИНБ (А.Каримов), МБ (Х.Алишеров), ЮК (Р.Шаропов)лар билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги» Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг, бир ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралари билан келишиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилиши таъминлансин.

8. Ушбу Аккредитация Кенгаши қарорининг ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Кенгаш раиси



А. К. Курбанов